

Оллоназар Қаршивой ўгли

СИЗГА БУ...

24519
Ю 0



97A-785

Оллоназар Қаршивой ўғли

СИЗГА БУ...


(Шеърлар)

Тошкент
«ЕЗУВЧИ» нашриёти

Ўз2
0—49

10

10 24519
0



Оллоназар Қаршивой ўғли.
Сизга бу ... (Шеърлар).— Т: «Ёзувчи»,
1996—32 б.

Ўз2

«Яхшидан боғ қолади» — дейди доно халқимиз. Ушбу мажмуада ижодкор ўқитувчи, изланувчан шоир Оллоназар Қаршивой ўғлининг энг сара шеърлари киритилди.

Самимий қалб изҳорлари руҳингизга қувват бағишлаб, дилингизга ёруғлик олиб кирса ажабмас. Зеро, меҳр муштоқ кўнгилларни, албатта, тошиб боради...

ISBN 5—8255—0551—X

К $\frac{4702620202-10}{M 362 (04) - 96}$ қатъий буюртма — 1996.

© Оллоназар Қаршивой ўғли.
«Ёзувчи» нашриёти,
1996 йил.

СИЗГА БУ...

Дўстларим, иқрорман, қалбим тухфаси
Сизларга манзур, хуш бўлолмас; боис
Парварини кўрмаган гулнинг гушчаси
Сиз юксак дидларда уйғотолмас ҳис.
Ҳали мен шеърят боғида бошоқ
Төрүвчи ҳаваскор шоирман, холос.
Юрт кезиб сўз дури қидирган машшоқ
Сингари назмга қўйганман ихлос.
Кошкийди, то абад, сизга хос шараф
Меҳнату осуда дамни куйласам.
Фаросат, ошгимдан нуқсон бўлса даф,
Сиз учун ёқимли тилда сўйласам...

УЙЛАРИМ

Оқин сувга тикилсам, бебош ўйларим,
Маржонқатор кўпик-ла бирга оқади.
Бири тиниқ — кўнглимга тасалли берса,
Бири хира — дилимни ўртаб ёқади.

О, ўйларим, чувалаб кетманг узоққа,
Йўлингизда хатар бор: хору хас, шамол.
Учар қуш ҳам ногаҳон тушар тузоққа,
Ҳаёт — дарё, гирдоби бордир, эҳтимол...

Куч-мадорим тугаса, кошки
Хушнуд ҳаёт, кураш туфайли.
Халқ тузини оқлаган ҳамон,
Қалбим таққа тўхтаса, майли!

Инсон бир бор келар дунёга,
Нек ном, шараф, шон-ла яшаса!..
Бадфеъл, бахил инсофга келиб,
Лаҳат сари қадам ташласа...

Ажалга тик қарайман,
биноқ...

Номсиз ўтмоқ...

шундан қўрқаман,

Дўстқисфа, «жон» деб сўзловчи

Евуз ният, шумдан қўрқаман.

Мен ўлимдан қўрқмайман.—

Лекин...

ДУСТЛАРИМГА

Ишопаман самимий дўстлар,
Даврасида эславур отим.
Учар бўлсам орау кўкида,
Тенги-тўшлар пўлат қапотим.
Қалби олов ёшлар сафида
Ўзимга хос махсус ўрним бор.
Инсон қадри, бахт, ҳаёт сирини
Бобида дарс ўқидим такрор.
О, меҳрибон дилкаш жўралар,
Унутмайман сизларни сира,
Боис-мардлик, ижод ишчанлик
Сиздан тортиқ,— подир хотира.
Гарчи сиздап йироқ бўлсам-да,
Кўнглим бирга ажралмас бирпас,
Учрашамиз, Топг, Диёр номли
Нафис гуллар бўй таратса бас.

ШАҲДИМ

Ҳаёт ширин, зўр, яшасам сўнгсиз,
Бир кунимиз ўтмишнинг асридан афзал!
Толем бор-туғилдим шу ҳур замонда,
Кечган куним, мазмуни ноҳ қисса гўзал.
Истиқболим тонгини кутамаи сергак,
Умр-жилга оқади, боқмайман лоқайд,
Кўнглим тоғдай ўсади, кулгим келади,
Ҳар юмушни чин, ҳалол адо этган пайт.

Аслип айтсам, муқаддас Ватап ўглиман,
Оқлаш онгим бахтиёр фарзанд номини.
Мен чекинсам мушкулдан, ё қўрқсам қишдан,
Ким азобга қўйгиси келар жонини?!
Наслим хушшуд, фаровон яшасам дейди,
Ахир, иқбол инсопинг эзгу тилаги.
Бахту омад ғойибдан тушмаскан, билдим,
Чин саодат-одамнинг онги, билаги.

МЕНИ ЁД ЭТ

Мен ўстирган гулзорга ҳар куни кирсанг,
Мени ёд эт.

Муҳаббатнинг асл жомига қўл урсанг
Мени ёд эт.

Тўлишган ой каби ҳуснинг қилёсин
топмадим излаб.

Ҳаётнинг қадрини билгандан ҳол сўрсанг,
мени ёд эт.

Келишган қомати-бастинг хаёлимдан
пари кетмас.

Унутма ҳар саҳар ноз уйқудан турсанг,
мени ёд эт.

Рақиблар кўксига ўт ёқ, вафосизга
қилё боқма.

Ўзингдек тоза дил дўстлар билан юрсанг,
мени ёд эт.

Висолингга етар кўн борми ёш умрим
хазон бўлмай.

Назаринг муддаоси-кокулнинг ўрсанг,
мени ёд эт.

ҚИЗИМГА

Фарзанд бизда фақат оила,
Ота-она қувончи эмас.
Фарзанд-писон, дунёда яна
Не бор ундан улуг, муқаддас.

Фарзанд — ҳаёт, орзу, ҳақиқат,
Замонанинг асл соҳиб.
Юрт равнақи, эл бахти демак,
Фарзандларининг энг муносиби.

Фарзанд-ота пойдевор қурган,
Янги ҳаёт қасри меъмори,
Кўнглимиз тўқ, юк ерда қолмас,
Фарзанд-халқнинг қаторда нори.

Бизда агар туғилса гўдак,
Ҳаммамиз чуи ифтихор, севинч.
Азамат халқ меҳри-шафқати
Соясиде ўсар соғлом, тинч.

Тарихда нек номи бор, зафар
Қучгалларининг суянчиғи халқ,
Нодирам, сен одам қизсан,
Одам қизи, бахт кўкида балқ.
Иқболнинг бор, ҳаёт эмас талх.

ОҚ ТАЪРИФИ

Сочим оппоқ худди чилла қор.
Примиға битта қора йўқ.
Ёш ўтти-да, демоқлик бекор.
Кўнглим ҳамон уйинқароқ, шўх.

Сочим оқи — кўнлар тахмини —
Ўйдап, наслу насабдан эмас.
Наъфсиз буида табобат илми,
Бу фазилат асабдан эмас.

Ўз тақдирим, эрким кўлимда
Ғаму ғурбат кимнинг шеваси
Эрта — тўлпи ойдаи кўзимда,
Бу кун унинг хира шўъласи.

Бу оқ-қалбим акси беғубор.
Намойинига сиртга кўчирдим!
Ўнсонликдан бўлиб умидвор,
Дилдан буткул доғни ўчирдим!

Куй, ғазал, тарона ойна мисоли,
Кўрсатар дилдаги орзупи, ўйни.
Санъаткор халқ создан, бўлолмас холи,
Тараннум этажак азани, тўйни.

Нок севги-муҳаббат тилмочи ғазал,
Дилдорин розини тинглайди йигит.
Меҳнатга қўшиқ жўр азалдап-азал,
Меҳнат бу-муסיқа, қувонч, билим, дид.

Меҳнатни хуш кўрмас одам ғўра-хом.
Азалий эгизак меҳнат ва қўшиқ.
Меҳнат бу-камолот, ҳаёт ҳам илҳом.
Шуларсиз бу дунё лазатсиз бўшлиқ.

МАНГУЛИК

Тарихни очган чоқ тугилар савол,
«Мангулик сирп не, эҳтиром нима?»
Сўрадим, ўқувчим, сўзлай қулоқ сол,
Бу сўзлар пурмаъно, оддий сўз дема:

Ҳаёт бу-тириклик, ҳаракат иши,
Тириклар туролмас беюмуш бир дам.
Мақсади, қуввати бўлган ҳар киши,
Илгари силжийди, жим турувчи кам.

Турмушнинг соҳаси, шаҳоби сонсиз,
Ҳар кимнинг, шубҳасиз маҳсуе ўрни бор.
Бемақсад, телбалар ўтажак шонсиз.
Ҳаётдан ўрнингги топсанг толе ёр.

Сяичковлар сингари гардингга қара,
Опа ер ҳусеяга, сийнасига боқ!
Азим шаҳар, қишлоқлар, серфайз манзара,
Пешона теридан самара мутлоқ!

Ўз-ўздан ҳеч нарса яралган эмас,
Ҳар ниҳон, ҳар ғишда бор инсон қўли.
Шумғия гул эмас, алаф арзимас;
Тантини қулатмас хавф-хатар дўли.

Топгда тур, назар сол зангори кўкда,
Бесаноқ юлдузининг ёғдуси ҳар хил,
Жопбозу жасурнинг марака, тўйда
Чеҳраси Чўлпондек нур сочар қобил!

Халқ суйса бировни, хуш кўрса уни,
Помиши тилида қўймас асрлар.
Китобга ёзилур ҳаёт мазмуни,
Ибрат чун ўқийди сиздек насллар.

Тарихнинг асрий зар саҳифасида,
Қолади юртига содиқлар, мардлар.
Адиблар ҳурматлаб битар қасида,
Сарлавҳа-пешқадам, хушфеъл жўмардлар.

УЛКАДА БАҲОР

Бизни тағин сўроқлаб баҳор,
Булбулчани элчи қилибди.
Тез кўрмаса соғинар шекил,
Гул кўтариб элга келибди.

Совга дея қадрдон баҳор,
Гул келтирдинг асл тоза гул,
Демак, Ватан, баҳодир халқиниң,
Мадҳин яна куйлайди булбул.

Азалдан бор яхши бир одат —
Ғолибларга гулчамбар лойиң.
Бизлар — баҳор, булбул шайдо эл,
Марду одил, камтар халойиң.

Гул шодликниңг белгиси, шаксиз,
Либос кияр лоладек ўлкам.
Қалбимизда севинч тошади,
Катта-кичик, барчамизда ҳам.

Кепг далада, дилларда баҳор,
Нигит кулса, қизда жилва, поз.
Кексалар ҳам шод, табассум-ла,
Дейди: «Ҳаёт гўзал, ширин соз».

Ўйнаб-кулсак арзир халқимиз,
Ватандошлар, ўртоқ, тенгдошлар!
Ахир биз-ку, саҳро-чўлга жон
Бахш этганлар, кўнориб тошлар.

ҚОР

Қор ёғди-нур ёғди. Нурсан, қор.
Аёзларнинг бизга табаррук.
Учқунингда маъмурлик, қут бор,
Зарраларнинг баринг ерга тўк.

Худди ўзинг майса, дарахт ҳам,
Ғўзамизнинг гули, шонаси.
Гулбаҳорга зийпат берган сен,
Сен — бошоқнинг миқти донаси.

Езда заҳмат чеккан она ер,
Қучоғингда тўйиб ухлайди.
Ҳансираган, толгап она ер,
Сендав шарбат-дармон ҳўплайди.

Пахтаминз нур ҳамда жилони
Сендан олган, кўнглимиздай оқ.
Ҳишда олам сендан мупаввар,
Езда пахта равшан ҳамма ёқ.

Сен қоплаган тоғлардай юксак
«Оқ олтиндан» тиклаймиз хирмоп.
Ғалламизнинг сероблигидап
Терга ботар девкор тегирмон.

СОДИҚ ҚОЛСАМ...

Саодатим кўзимга пур беради,
Икки севги қалбимга қўр беради:
Диёр ишқи, ёр дилда ҳоким,
Бошқа ҳислар эъзозлаб тўр беради.
Сўнг дамгача ишқимга содиқ қолсам,
Ҳаётимни мазмузли ўтди дейман.
Эл назари, дилдорим ҳурматида
Айрилган кун тириклик битди дейман.

ЧИЛЛА ҚОЛСИН ЛОЛ...

Ишқибоз кўп чўноликка
Баҳорда, ёзда.
Марднинг иши — молга қараш
Қишда, аёзда
Рўзгорим, деб фараз қилинг
Ферма, отарни.
Ўр табиат синамоқчи
Сиз — чорвадорни.
Сурув чорва эгасидир
Ўзбек чўпони
Қаҳратонда жўш урмасми
Йигитлик қони
Чорва — бу эл боғлигидир,
Ишопдик сизга,
Жониворлар муҳтож бугун
Чин меҳрингизга

Суту қатиқ бұлмаган уй,
Асл рўзгорми?
Мой-гўшти йўқ хонадонда
Барака борми?
Чорвадорлар, ҳалол бўлсин
Еган тузингиз.
Чўмич-қошиқ ёғяга-ку
Сабаб ўзингиз.
Сизни гафлат босса, побуд
Бўлур қўй-қўзи
Серсут говмиш, эчки-бузоқ
Кимники ўзи?!
Сергак бўлинг, ҳафта, ўн кун
Келмасин малол,
Олов қалблар қаршисыда
Чилла қолсин лол...

ТҮРТЛИКЛАР

Гар тош тортса паққошнинг диққатини
Сайқал топиб, санъатга айланади.
Одам холис ният билан қўл урса,
Харобазор жаннатга айланади.

* * *

Ажаб, нега йиғлайди инсон,
Ё ҳаётда сурур каммикан?!
Тақдир деган нодир севгининг
Ярми севинч, ярми ғаммикаан?!

* * *

Ўйласам, тақдир тирикни имтиҳон айлар экан,
Ғам тоши текканда дилга холис бўлсин
Ўй-ният.
Чиллада райҳон, гунафшанинг ҳидин тўймоқ
керак,
Эр йиғит фурқат тунининг тонги йўқ деса уят.

* * *

Тусдай сочим олоқ бўлибди.
Ғафлат қурсин, ҳеч сезганим йўқ.
Билсам, бу оқ умрим жисмига
Шум табиат қадаётган ўқ...
Ҳайҳот, қалқон йўқ...

17-1997 ГБ ўзбекистон
А 485

БАҲОР МАДҲИ

Пил бобога баҳор эрка қиз —
Жилвагар, шўх сулув, қаламқош.
Уни куйлар ҳар шоир шаксия.
Ҳам куйланар ўжар қиш — паққош.

Кўклам чоғи жарчи қалдирғоч
Келиб қувонч бахш этар дилга.
Кўзни оч дер, гафлатда қолма,
Ҳамал — амал таалуқ элга.

Зийнатга ўч лобар қизлардек
Ясап — тусан бўлар ҳар дарахт.
Гул, майсалар оралаб жаъми
Дўстлар билан юрсанг қандай бахт!

Апрел, майда сахий табиат
Сенин ёйиб кўз-кўз қилади.
Дала, водий, қирлар ҳуснини
Ўз днёрин кезган билади.

Майин ҳаво, жилгалар суви,
Гуллар бўйи, қушлар навоси,
Танга роҳат, кўзларга зиё,
Хуллас, турли дарднинг давоси.

Она юртининг кўрки, чиройин
Чўпон билан деҳқондан сўра.
Офтоб тафти, гиёҳ сарасин
Кўп билади, бизлардан кўра...

ШЕЪРИИ МАКТУБ

Айб саама, азиз номингни
Хурмат билан олсам тилимга
Айб саама, муносиб кўриб
Сени яқин тутсам дилимга

Ҳадя қилган илк бўсанг ҳамон
Еи кўнглимга бахш этар ҳузур.
Шу сабабдан сенга ихлосим,
Эътиқоду муҳаббатим зўр!

Ўша бўса тоти осуда,
Тинч қалбимда уйғотганди ишқ.
Ўйишқароқ, бебаҳо ёшлик
Чогимданоқ мен сенга опшқ.

Сал кўрмасам моҳир рассомдек
Хаёлимда расмниг чизамап.
Соф, оқила, меҳнатсевар қиз
Сени содиқ дўст деб сезамап —
жондан ортиқ севамап.

Қилиқларинг дилрабо позик.
Кўз олдимдан кетмайди сира.
Шубҳа қилсанг муҳаббатимга
Уни сезгир юракдан сўра.

О дилдорим, огоҳ бўл бахил
Таблиатнинг қасди юзингда

Кўрк жозибанг, ўн тўққиз ёшнинг
Мен боргунча турсин ўзингда.

Фарзанд бурчим-хизматин ҳалол
Ўтаб борсам она қишлоққа
Ҳаддим сизиб қучсам бўлма лол
Ўзинг жавоб бу хил сўроққа.

ДЎСТИМГА

Ким фаҳм этар сўлим бир қишлоқ
Ёш шоирга илҳом берганин?!
Ким фаҳм этар, мартаба минган
Арбоб дўстдан юз ўгирганин?!

Дўстим учун таъма харомдир,
Самимийлик дўстликнинг оти.
Бир табассум, ё холис танбеҳ,—
Дўстнинг дўстга зўр мукофоти.

Ойбек — олим, дўсти — қоровул..
Айтувдинг, ёдимда қолгани шул.

БОЛА МЕҲРИ

«Ойи, келинг! Келинг, ойи-жон!
Уй ясадим лойдан каттакон.
Сиз бир кўринг, кимники яхши,
Ойи, ким у Подира бахши?
Холбой ёмон. Одилни сўкди,
Қўзичоғим сувимни тўкди.
Замираинг тиши қонади.
Гугурт, ойи, нега ёнади?»
Она кўрди. Кенг ҳовли-жой тахт,
Тол хивичдан экибди дарахт.
Атрофига қалабди шохча,
Кирмасин деб бебош улоқча.
«Жуда яхши. Камол тон, Ўктам».
Гўдаккина бўлди хотиржам.
Ахир иши онага ёқди.
Меҳрибони кифтига қоқди.
Тиқмачоқдай, суюмли бола,
Хаёлида лой-туироқ, дала.
Ҳали эси қўнимсиз қушдай,
Еши беида, тугулган муштдай,
Кўнглидагин айтмай ойига,
Чулдираб ҳеч ётмас жойига.
Ўйнаб тўйгач, юриб бир насада,
Мудроқ дид-ла ясаб гулдаста,
Қувонч сизмай гунча дилига.
Кўз тикади она йўлига.
Боши кўкда она дер: «Баллп».
Ўктамжонга шу сўз етарли!

Садоқатнинг куртак туйғуси,
Ҳали бола катта бўлгуси
Фарзандига сингдирган она,
Қадамга борлиқ — остона!
Ҳар бир инсон то охир бошдан,
Нур эмади она-қуёшдан.

ДҶҶОН МУДИРИГА

Тўрт синфини тамомлаб Ермат
Мудир бўлди катта дўконга.
Фикри ёди фириб, хпёнат
Товуқ миждоз етишди донга.

Боши кўкда она дер: «Балли»
Коса, қошиқ, ҳатто пайпоққа
Устама нарх қўймаса агар,
Тутар ўхшаб қора чироққа.

Сук солади харидор сайлаб
Тарозда тортгап понига;
Айёр тулки пайтини пойлаб
Чанг солади пул — ҳамёнига.

Қайтимини сўрса харидор,
Тишин қайраб деди: «Бачкана».
Ўз ҳақини бермайин беор,
Мушт дўлайтиб, хезлапар яна.

Олса рўмол, беқасам, атлас,
Чайқовчига пуллайди дарров,
Унга фақат фойда бўлса бас,
Виждонини қўяди гаров.

Кўп ҳақидан ҳазар қил, мудир,
Рангинг ўхшаб қолади ерга.
Расво — радди, таънага пишон
Бўлмай десанг, нафсингни терга!

Икки ёлгон-бир қасам, деймиз,
Қасам эса, умринг қайчиси.
Ўз ҳақингга биё бўл, бетамиз,
Ҳаромхўрнинг чиқади миси.

ҚУМУРСҚА ВА ЧУМОЛИ

масал

Махсус хона. Қумурсқа якка,
Ўтирибди керлиб, лоқайд.
Хавотирда, гўёки ака.
Шошиб кирди пашша ҳам шу пайт:
— Мен эшитдим, кўрдим чумоли.
Сиз олиёни ёмонлади хўп.
Айтмоқ-бурчим. Ёр бўлди толе.
Пашша чиқди, таъзим қила кўп.
Қумурсқанинг тани қақшади.
Телбаланиб: Парвона!— делди.
— Чақир уни, қани чумоли?!
Кўрсатаман, танг бўлур ҳоли.
Билдим, мешга бошини эгмасди,
Ўтганимда таъзим қилмасди.
Чумолига сира бермай сўз,
Қумурсқа тез чақчайтирди кўз.
Кўп койиди билмай андиша,
«Яхшилиги» ҳам ҳам қилди пеша.
Биров қилар бировни бадном,
Пасткани бошлик унга тутар жом.
Чақимчилик — энг ёмон одат,
Унга қарши кураш-саодат.

АҲДИМ

Ҳаётимда кўркам бир боғ
Яратмаслик ор, дедим
Пошудликни азиз умрим
Сабзасиға қор, дедим,

Тар мева бу дармон демапг,
Сояси мўл, зпёда.
Қайрағоч, дуб, тол тераклар
Ёзда салқин шабода.

Бобом боғни кеза-кеза
Битта ҳасса танлади.
Табассум-ла, боқинидап
«Балли» сўзини англадим.

Меҳнат ҳаёт чирогимга
май қуйиб турар экан,
Сидқидилдан турли-тумап
Кўчат экканим — эккан.

СОБИРГА

Қулган бахт-толеингдан мен хурсанд, дўстим.
Асл, сара ноз-неъматдан баҳраманд, дўстим.
Соф ният-ла мақсад сари интил, етарсан
Номардларини ошна тутма ерсан панд, дўстим.

Қуйга суян мушқул тулса, яшайсан омон.
Қибру ҳаво, ҳам бахиллик, ношудлик ёмон.
Меҳнат-роҳат, бахт манбаи, шунда шараф-шон
Ёр-дўст билан ҳаёт ширин, асал-қанд, дўстим.

Халқ пэмидан чиқма сира кўрмайсан зиён,
Эр йигитга етмиш ҳунар кам деса ишон.
Бегараз панд-насихатдан қилмагин гумон.
Ҳамма таҳсин ўқиб десин «Чин фарзанд», дўстим.

Табаррук онага ҳар не хизмат қилсақ кам,
Иродали, вафоли, мард йигит бўлсанг ҳам.
Она-Ватаи ишқи дилда турсин мустаҳкам,
Эл-севади ижод билан бўлсанг банд, дўстим.

ЕРИМ

Кечар фурқатда рўз-шомим, эшитсанг оҳу-зорим кел.
Бўлай парвона бошингда, садоқатдир шиорим, кел.
Сенпингсиз гул-чамаи сайри сафосиз-хушламас кўнгил
Муродим гунчаси ял-ял гул очсин, навбаҳорим кел,
Муяссар бўлса гар васлинг, гариб бошим етар кўкка,
Ҳаёт бўстонида умрим хуш ўтсин, номус-орим кел.
Нигорим, суратинг дилда ўйнаган лавҳа ўчмайди,
Ҳаётим кўрки, бахтимсан, ўзингсан дилда борим, кел
Мони мўлжалга олди гам, тигини кўксимга урмоқчи,
Назарини кўзлари йўлда, йигит таида мадорим, кел.

* * *

Булбул гул ишқиди хун ёнади,
Гунча юзини кўрди бас, меҳри «қонади».
Тонгда гулнинг кяпригида шабнам кўриб,
Қош-кўзингга губор қўнди, деб япади,
Ишқидан тез тонади.
Меҳру вафо садоқат рамзи гунча — гул.
Байтингга қўш шу сўзини, ғазалхон булбул!

ХОЛИС НИЯТ

Ҳар нарсанинг ниҳояси-чегараси бўлади
Бу дунёда ҳеч ўзгармас, қотиб қолган нарса йўқ.
Бугун агар совуқ бўлса, эрта қуёш кулади.
Ҳам — ғусса ҳам вақтинчалик, уни бир дам тортса йўқ.

Демоқчиман: бу машаққат, эркинлик вақтинчалик.
Тирикликнинг баҳоси йўқ, бондан ўтар ҳар ғурбат.
Сиҳат бўлсак яна келар, эркинлик, ширин кунлар.
Машаққат ва ғурбат ўрнин олар сўзсиз фароғат.

Боболардан қолган сўз бор, одам одамга меҳмон.
Маъноси шу дўстни суя, қилгин шафқат, мурувват.
Агар қурбнинг етмаса-да, бермасанг-да ошу нон,
Кўнгли учун дуо тила, яхши ният ҳам қувват.

Ҳаммамизга насиб қилсин чини бахт, омад ва зафар.
Бизнинг босган ҳар қадамда, лола райҳонлар ўнсин.
Ғаразгўйлар қора ният, помардлар ер юзида
Битта қолмай ер тишласин, ёки хору зор бўлсин.

* * *

Йилларимпи хазон каби
Совурмадим шамолга.
Ният билан ниҳол экдим,
Етай дея камолга.

Мевалари дардларга шифо,
Соясин-чи ҳар жонга ҳузур.
Мен боғимга айтдим тасавно,
Юрагимга келмоқда сурур.

Меҳнат ҳаёт чирогимга,
Мой қуйиб турди, балли!
Шунинг учун яшамоқдин
Томдим маъно, тасалли.

Умрим сувдай оқсин, майли,
Янги-янги ўзандап.
Сув бу — ҳаёт, абадият
Тимсолидир азалдап.

* * *

Қўй изидан эргашиб
қўзи келур,
Янги ерга йиғитнинг
бўзи келур,
Нор йиғитлар,
ёрим йўқ, деб ўксинманг,
Сизни излаб барполар
ўзи келур.

ПУР БЎЛИБ

Азизларим, Сизлар билан мен ҳам
ёшма-ён
Бахтли фарзанд, ўтли қурдошман.
Меҳрингизга меҳримдир
пайванд,
Сизга содиқ, ҳамдам йўлдошман.

Пешонамни онамдай силаб
Менга билим, қудрат бергансиз.
Меҳрингизни сақлайман дилда
Ишопчипгиз оқлайман шаксиз.

Фарзанд бўлсам юртга муносиб
Ва ярасам кори-ҳолига.
Томчи нур бўлиб оқажакмап
Она-Ватан истиқлолига.

Адабий-бадний нашр
Оллоназар Қаршивой ўгли
СИЗГА БУ...

Шеърлар

Муҳаррир *З. Мирзаева*
Расмлар муҳаррири *Ю. Габзалилов*
Техн. муҳаррир *У. Ким*
Мусаҳҳиҳ *М. Хўжаева*

Босмахопага берилди 26.03.96. Босишга рух-
сат этилди 30.09.96. Формат 70×90^{1/32}. Ада-
бий гарнитура. Юқори босма 2,0. Шартли
босма табоғи 1,17. Нуسخаси 1000. Буюртма
4521. Баҳоси келишилган нархда.
Шартнома 81-96.

«Ёзувчи» нашриёти. 700129. Тошкент.
Навоний кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасининг 1-босмаховасида босилди.
700002, Тошкент. Сағбон кўчаси, 1-берк кў-
ча, 2-уй.

252



Оллоназар Қаршивой ўгли 1929 йили Самарқанд вилояти Митон тумани Митон қишлоғида туғилган. У 1955 йили Самарқанд Давлат университети филология факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, мактабда умрининг охиригача ўқитувчи, илмий бўлим мудир, директор бўлиб ишлаган.

